

## Номаҳрам йигитларнинг қараши



09:00 / 24.12.2021 9364

Ассалому алайкум! Устоз, холис қилаётган хизматларингиздан Аллоҳ рози бўлсин. Алҳамдулиллаҳ, мен ҳижобланганман. Аллоҳим менга гўзал ҳусн берган, аммо шу чиройим мени турли синовларга солади. Айрим қўштирноқ ичидаги инсонлар, бозорларга борсам ёки бирор-бир иш масаласида бирор номаҳрам билан гаплашишга тўғри келиб қолса, уларнинг менга бўлган муносабатлари дилимни хира қилади. Роббимнинг хузурида ўзимни ёмон ҳис қиламан. Баъзилари эса беҳаёларча термулиши ўзимга бўлган нафратни уйғотади. Аллоҳдан уларга ҳидоят, ўзимга эса тақво сўрайман. Қиз бола бўлганлигим учун келажакдаги турмуш ўртоғимга муносиб солиҳа қиз бўла олмаётгандек туюлади... Илтимос, устоз, менга маслаҳат беринг, шундай ҳолатларда нима қилай, қандай йўл тутай?

Жавоб:

– Ва алайкум ассалом! Фитнага сабаб бўладиган ишлардан тийилиш лозим.  
Номаҳрамлар билан восита орқали мулоқот қилинг.

Валлоҳу аълам.

**Одинахон Муҳаммад Содиқ**